

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 5 октябрь-10 октябрь)**

№5

Тошкент – 2015

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган. «Тинчлик ва осойишталик — тараққиёт ва фаровонлик асоси Туркменистон Президенти Тошкентга келди».

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 7 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 октябрь куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Азалий қўшни ва қардош бўлган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Бугун Ўзбекистон — Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожидан Ислом Каримов билан Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, бир-бирига ҳурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Туркменистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланган. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркменистон

Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик” ордени топширилган. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов тор доирадаги музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Президентимиз Туркменистон раҳбарининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари тарихида муҳим сиёсий воқеа, яхши кўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркменистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши кўшничилик тамойилларига қурилган. Ўзбекистон ва Туркменистон кўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидладилар. Терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар. Мамлакатларимиз трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш борасида ҳам бир хил ёндашувга эга. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг тегишли конвенциялари талабларига тўла риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди. Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Кейинги олти йилда бу кўрсаткич 3 баробар ўсиб, 2014 йил якунларига кўра 413 миллион долларни, жорий йилнинг январь — август ойларида 245 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Туркменистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилади. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иқтисодий салоҳияти

хамкорлик кўламини янада кенгайтириш имконини беради. 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ, ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг август ойида Ашхободда ўтказилган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси йиғилиши савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлди. Транспорт соҳаси ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Президентимиз Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ўмон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган ва тобора кенгайиб бораётган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир. Музокарада савдо айланмаси ҳажмини ошириш, кўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Маданият соҳасида 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакат спортчилари, маданият ва санъат намояндalари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивалъ ва кўرғазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Олимларимиз биргаликда қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда изланишлар олиб бормоқда. Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. “Буюк Ипак йўли” лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда. Сентябрь ойида Туркманбоши шаҳрида ўтказилган “Сайёҳлик ва саёҳат” халқаро кўрғазмаси ва конференциясида мамлакатимиз вакиллари иштирок этди. Қуни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ипак йўлида туризм” XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида Туркменистон фирма ва компаниялари ўзбекистонлик ҳамкасblари билан бу борадаги алоқаларни кенгайтириш, биргаликда саёҳатлар ташкил этиш бўйича келишувларга эришди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Кўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-

техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиклик, ўзаро англашув ва ҳамжихатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди. Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйди. Гурбангули Бердимухамедов бу майдондаги доимий яшиллик ва мўътадиллик Ўзбекистондаги тинчлик ва фаровонлик, бутун мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорликдан дарак беришини таъкидлади. Туркменистон Президенти Хотира майдони билан ҳам танишди. Икки давлат раҳбарлари “Бунёдкор” стадионини бориб кўрдилар. Ушбу мажмуанинг кўрку салобати, меъморий ечими, спортчилар ва томошабинлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Президентлар пойтахтимизда бунёд этилган “Минор” масжидига ташриф буюрди. Гурбангули Бердимухамедов масжид миллий ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этганини таъкидлади. Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Дўстона руҳда ўтган ташриф яқунлари мамлакатларимизнинг вақт синовидан ўтган ва изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлигига янги суръат бахш этади.

ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР

СЕУЛ, 5 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади. **Корея Республикаси** пойтахти Сеул шаҳрида «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумининг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу галги анжуман «Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш» мавзуга бағишланди. Унда **Жанубий Корея, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон** вакиллари иштирок этди. Форумда Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Чо Тхэ Ёнг, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ғайрат Фозилов ва бошқалар Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик кенг кўламли ва мустаҳкам эканини таъкидлади. Бунда «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, яқин дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган. Икки давлат ўртасидаги алоқалар

2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз Президентлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг шу йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида имзоланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ҳамкорликка оид катор ҳужжатлар халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ҳамкорлик кўлами савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзбекистонда Жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тўрт юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ўсиб бормоқда. Устюрт газ-кимё мажмуи, Қандим газни қайта ишлаш мажмуи, «Навоий» интермодал логистика марказида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланмоқда. Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллар институтларида корейс тили ўргатилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртлиари Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаётир. Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши таълим борасидаги ҳамкорлик кўлами ва истиқболининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мамлакатимиз Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган “Евроосиё ташаббуси”ни қўллаб-қувватлайди. Ушбу ташаббус қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этилмоқда. Бунда Корея Республикаси ва Марказий Осие мамлакатлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. «Корея Республикаси — Марказий Осие» ҳамкорлик форуми Жанубий Корея билан Марказий Осие мамлакатлари ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш мақсадида 2007 йилда таъсис этилган. Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган форум мажлисларида икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ҳолати ва истиқболлари атрофлича муҳокама қилинади. Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги юксак суръатларда тараққий этаётган ҳамкорлик самаралари ҳақида сўз юритилди. Бу алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳар икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди. — Соғлиқни сақлаш соҳаси Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир, — деди Корея тиббиёт саноатини ривожлантириш институти глобал соғлиқни сақлаш департаменти директори Ким Су Унг. — Жанубий Кореянинг кўплаб клиникалари Ўзбекистон шифохоналари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мутахассислар

ўртасида тажриба алмашинуви йўлга қўйилган. Ташкилотимиз Ўзбекистон билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, биргаликда қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз. Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, номоддий маданий ресурсларни асраш ва фойдаланиш, божхона бошқарувини ахборотлаштириш ва савдони ривожлантириш каби қатор соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди. Форум доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ГРИППГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТ ЯРАТДИ

Азалдан ўзбек мутафаккир ва алломалари жаҳон илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фан-техникани изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси илмий муассасаларида илм-фан соҳасини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион маҳсулотлар яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. ЎзФАнинг Биоорганик кимё институти мутахассислари томонидан ўткир вирусли касалликларга қарши “рутан” номли янги таблетка яратилиб, етакчи клиникаларда муваффақиятли синовдан ўтказилди. — Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, ҳатто филтрдан ҳам ўтиб кетадиган вируслар келтириб чиқаради, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика грипп миллий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Равшан Раҳимов. — Вирусларнинг А, В, С турлари маълум. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда ҳавога кўплаб вирусларни ажратади. Улар ҳавода уч соатгача сақланиб туриши мумкин. Бундай ҳаводан нафас олган одамга грипп юқади. Микроб оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардасига таъсир қилади ва қон оқимида тушиб, бутун организмни захарлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон организми вирусга қарши, аввало, интерферонлар ишлаб чиқиш орқали курашади. Аммо организмда кўпинча аксарият касалликларни енгиш учун ушбу модда етарлича бўлмайди. Бундай пайтда интерферон ишлаб чиқишни тезлаштириш ёки уни эндоген маҳсулот сифатида танага юбориш зарур. Интерферон туридаги препаратлар айнан ушбу мақсадларга қаратилган. Ўзбек олимлари (Ш. Солиҳов, Н. Абдуллажонов, С. Мавлонов, А. Тўраев) яратган “рутан” препарати таъсирида организмда интерферонлар ҳосил бўлади ва улар вирусга қарши курашади. Мазкур таблетка олти ёшдан ошган болалар ва катталарга грипп ҳамда ўткир вирусли респиратор касалликларнинг олдини олиш, даволаш мақсадида тавсия этилади. Профилактика учун препаратни инфекция кенг тарқалган вақтда, хусусан, беморлар билан мулоқотдан сўнг қўллаш ҳам мумкин. Мазкур дори воситаси Тошкент тиббиёт академияси, Тошкентдаги 1-шаҳар шифохонасида синовдан муваффақиятли ўтказилгач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бошқармаси томонидан амалиётда қўлланилиши учун рухсат берилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академиясининг Биоорганик кимё институти ходимлари сўнги ўттиз йил мобайнида Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти, Республика патологоанатомия маркази ва бошқа илмий муассасалар олимлари билан ҳамкорликда вирусга қарши фаолликка эга дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борди. Марказий Осиёда ўсадиган ғўза (госипол ва унинг ҳосили), тотум, ёронгул, анор, зубтурум каби ўсимликлардан ажратилган 100 дан ортиқ бирикмалар скрининги натижасида юқори даражада вирусга қарши фаолликка эга бирикмалар аниқланди. Ушбу моддаларнинг аксарияти қатор янги дори воситалари, жумладан, “рутан”, “гетасан” каби препаратларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур дори воситалари клиник тажрибадан тўлиқ ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланди ва мамлакатимиздаги фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Беморларни медикаментоз даволаш амалиётида ушбу дорилардан кенг фойдаланилмоқда. Дастлаб тотум ўсимлиги тери ошлаш экстрактларини олиш учун фойдаланиладиган хом ашё сифатида экила бошланган бўлса, кейинчалик тотум полифеноли кенг биологик фаоллиги аниқланди. — Олимларимизнинг узок йиллик тажрибаси мамлакатимиз қир-адирларида ўсадиган тотум ўсимлиги вирусга қарши самарали восита эканини кўрсатди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори Аббосхон Тўраев. — Ушбу ўсимликни кўпайтириш ва маданийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 апрелдаги қарорига асосан, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида сумах, яъни тотум ўсимлигини етиштиришга ихтисослашган махсус фермер хўжалиги ташкил этилиб, 500 гектар ерга синов учун мазкур ўсимлик экилди. Унинг баргларида илк бор мамлакатимизда “рутан” номи билан гриппга қарши таблетка яратилди. Дори гриппнинг А-Н3N2, Н1N1 ва В(01), (03) группа штаммларига нисбатан самарали таъсирга эга. Бундан ташқари, унинг таркибидаги полифенол бирикмалар ниҳоятда кучли интерферон индуктори ҳисобланиб, организмдаги вирусларга қарши курашиш баробарида, иммунитетни ошириш хусусиятига ҳам эга. Энг муҳими, табиий ўтдан тайёрлангани учун дорининг организмга зарарли таъсири йўқ. Тиббиёт тилида айтганда, ҳеч қандай токсик хусусияти йўқ, кулумятив таъсир кўрсатмайди, периферик қон катталиклари, буйрак ва жигарнинг ишлаш функцияси, тўқима ва органлар патоморфологиясига салбий таъсири аниқланмади. Маълумки, грипп иммунитетни паст, сурункали касалликлар билан хасталанганлар, кекса ёшдагилар, ҳомиладор аёллар ва болаларда оғирроқ кечиши мумкин. Шу боис бундай хасталик ўз вақтида аниқланиб даволанса, гриппдан кейинги асоратларнинг олдини олган бўламиз. Грипп эпидемиологияси, клиник хусусиятлари, олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган препаратларнинг шифобахшлигини ўрганиш бу борада муҳим омил саналади. — Мамлакатимизда октябрь ойидан гриппга қарши эмлаш бошланади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Вирусология институти бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилова. — Ҳар йили вакцина хориждан келтирилади ва гриппнинг муайян вирусига қарши тайёрланади. Агар айнан ўша инфекция организмга хавф солса, олинган эмлаш самара беради. Биоорганик кимё институти томонидан тайёрланиб, синов учун клиникамизга юборилган “рутан” дори воситаси эса табиийлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқотлар мазкур препарат ҳеч

қандай маҳаллий кўзғатувчи, аллергия ва бошқа таъсирларга эга эмаслигини кўрсатди. “Рутан” организмдаги вирусга қарши курашиш баробарида, иммунитет таёқчаларига зарар етказмайди, аксинча уни курашувчанликка чорлайди. Агар бемор шамоллаш ёки грипп бўлишини сезаётган бўлса, унинг бир курси касалликни олдини олади ёки енгиллик билан уни тўхтатади. Сўнгги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, “рутан” интерферон синтезини кучайтиришидан ташқари, яллиғланишга қарши курашиш хусусиятига ҳам эга. Ҳозирги пайтда олимлар томонидан ушбу дори воситасининг (барча тегишли ҳужжатлар олиниб, сотувга чиқарилган) нафақат грипп, балки бошқа вирус турларига (гепатит, кўз вируслари ва бошқалар) қарши шакллари ўрганилмоқда. Буюк аждодларимизнинг анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган ўзбек олимларининг мазкур кашфиёти таҳсинга сазовор. Бундай изланишлар замирида аҳолини, айниқса, навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсон қилиб камолга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдек эзгу ниятлар мужжасам

САФАРДА ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

Кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси футбол бўйича 2018 йили бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати иккинчи саралаш босқичининг бешинчи турида меҳмонда Баҳрайн терма жамоаси устидан йирик — 0:4 ҳисобида зафар қучди Айтиш жоизки, футболчиларимизнинг мазкур учрашувда ғалаба қозонишлари сув билан ҳаводек зарур эди. Вакилларимиз бу ишончни оқлаб, “Н” гуруҳидаги мавқеини нафақат мустаҳкамлаб олишди, балки келгуси босқичга чиқиш имкониятини ҳам оширдилар. Ўйин давомида рақибларидан ҳар томонлама устунлик кўрсатган терма жамоамиз аъзолари бири-биридан чиройли ва пухта ўйланган комбинациялардан унумли фойдалана олишди: Игорь Сергеев (52), Одил Аҳмедов (56), Сардор Рашидов (66) ва Элдор Шомуродов (90+4-дақиқа) баҳрайнликлар дарвозасини ишғол этиб, йирик ҳисобдаги ғалабани таъминлади. Ушбу турда гуруҳдаги асосий рақибимиз КХДР терма жамоаси ўз майдонида Филиппин билан дуранг (0:0) ўйнади. Мазкур ғалабадан сўнг вакилларимиз 4 учрашувдан 9 очко жамғарган ҳолда, турнир жадвалида иккинчи ўринда бормоқда. Шимолий кореяликлар эса 10 очко билан ҳозирча пешқадамлик қилапти. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 12 ноябрь куни ўтказиладиган еттинчи тур баҳсида КХДР терма жамоасини қабул қилади. Шубҳасиз, бу нафақат ушбу тур доирасидаги, балки мазкур саралаш босқичидаги энг муҳим учрашувлардан бири бўлади.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А